2

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 253 (13.316)

Баҳоси эркин нархда

ХАЛҚИМИЗ ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД САРВАР ОТАМУРАТОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 4 декабрь куни Тошкент шаҳридаги 584-сайлов участкасида овоз берди.

Мустақиллик моҳияти ва самараси, аввало, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-манфаатлари амалда тўла таъминланганида намоён бўлади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг ғурурини тиклаш, дунёда қудратли давлатга асос солиш, тинчлик, бунёдкорлик, барқарорлик ва фаровонлик йўлида курашишдек мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бажаришда бош-қош бўлди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда бугунги Президент сайлови ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодасидир. Мамлакатимизда яратилган сайлов тизими фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга ошишига хизмат қилаётир.

Миллий қонунчилигимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани акс этган. Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Президент сайлови буни яна бир бор кўрсатди.

Сайлов халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошкоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди. Бунда сайлов тизимига оид қонунчиликда фуқароларнинг сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашиши, овоз бериш яширинлиги, буни ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита амалга ошириши белгилаб қўйилгани алоҳида аҳамият касб этди.

ЎзА

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни овоз бериш учун Тошкент шаҳридаги 132-сайлов участкасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатланган. Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Асосий Қонунимиз ҳамда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар бу тизимни янада такомиллаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ана шу мукаммал қонунчилик базаси ва умумэътироф этилган халқаро принципларга мос ҳолда ўтди.

Биринчи Президентимиз белгилаб берган давлат сиёсати ва тараққиёт тамойиллари мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий омили бўлмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити самарасида халқаро ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Иқтисодиёт изчил модернизация қилинаётгани туфайли унинг рақобатдошлиги, экспорт салоҳияти ошмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожи замонавий товар ва хизматларни кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Қишлоқ хўжалиги таркибий ўзгартирилаётгани, мева-сабзавот етиштириш кўпаяётгани натижасида бозорларимиз тўкин ва фаровон бўлиб бормоқда.

Ушбу суръатни изчил давом эттириш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимиз равнақи ва халқимиз ҳаёт даражасини янги босқичга кўтаради.

Президент сайлови мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун муҳим сиёсий воқеадир. Буни чуқур ҳис этган ватандошларимиз сайловда фаол иштирок этди. Ҳар бир сайловчи хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзининг ва халқимизнинг фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

ЎзА

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ХАТАМЖОН КЕТМОНОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ



Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 282-сайлов участкасига овоз бериш учун келди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, миллий сайлов қонунчилигини жаҳон андозалари даражасида такомиллаштириш, унинг демократик тамойилларга тўлиқ жавоб беришига эришиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва миллий анъаналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижасида миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлайдиган жиҳатлар ўз ифодасини топаётир.

Сайлов тизими кўппартиявийлик, очиқлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик каби тамойилларга таянищи, бунда фақат овоз бериш жараёнидагина яширинликка йўл қўйилиши мумкинлиги миллий сайлов тизимининг юксак демократик талаб ва мезонларга тўлиқ жавоб беришининг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясининг сайловолди дастури аҳолининг турли қатламлари манфаатларини таъминлаш, кучли ижтимоий ҳимоя тамойилларига қатъий амал қилиш, айниқса, кексалар, алоҳида эҳтиёжли фуқаролар, ёшларга эътиборни янада кучайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш каби мақсадларга йўналтирилган.

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этди. Мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим сиёсий жараённинг юксак савияда ўтгани юртдошларимизнинг фаол фуқаролик позицияси, Ватан тақдири учун масъулиятни астойдил ҳис этиши, юрт истиқболига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганининг амалий исботидир.

Юксак талаб ва меъёрларга тўлиқ жавоб берувчи сайлов жараёни юртдошларимиз Ўзбекистонимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, Ватанимиз тараққиёти, унинг порлоқ истиқболи учун овоз берганининг яна бир тасдиғи бўлди.

ЎзА

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 4 декабрь куни Тошкент шаҳридаги 550-сайлов участкасида овоз берди.

Мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш орқали соҳага инновацияларни жорий қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани акс этган. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлатни бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловларнинг энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, Конституциямизда мустаҳкамланган қоидалар асосида ўтишига, сайловчиларнинг фаоллиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий қонунчилигимиз ва халқаро меъёрларга тўла мос ҳолда, ошкоралик, тенглик асосида ўтди. Унда сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, халқимиз фаровонлиги, фарзандлари келажаги учун овоз берди.

ЎзА

Темур МАМАДАМИНОВ олган сурат

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЖОРИЙ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида овоз беришнинг жорий якунларини эълон қилди.

4 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 20 да Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида овоз бериш якунланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 17 миллион 941 мингдан зиёд сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 87,8 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларда мустаҳкамланган халқаро демократик меъёр ҳамда тамойилларга риоя этилган ҳолда очиқ ва ошкора ўтгани таъкидланди.

Мамлакатимиз фуқаролари сайловда юксак сиёсий ва фуқаролик фаоллигини намойиш этди. Соат 11 га қадар сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиғи овоз беришда иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Овозларни санаб чиқишда сайлов участкаларида сиёсий партиялардан 37 мингдан зиёд кузатувчи, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сайлов давомида жойлардан сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида хабар келиб тушмади.

5 декабрь куни бўлиб ўтадиган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинади. Шу куни халқаро кузатувчилар миссиялари ҳам матбуот анжуманлари ўтказади.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРГА МОС ЎТДИ

Мамлакатимизда 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 500 дан ортиқ вакили кузатувчи сифатида иштирок этди.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловига кўрилган тайёргарлик, овоз бериш жараёни, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Игорь ЧАМОВ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси вакили:

– Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун келган халқаро кузатувчилар қаторида ташкилотимиз вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни билан яқиндан танишди. Сайловда халқингизнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги ва сиёсий фаоллигига яна бир бор амин бўлдик. Мамлакатингизга илк бор келиб, бу тарихий воқеада кузатувчи бўлиб қатнашаётганимдан хурсандман.

(Давоми 2-бетда)

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРГА МОС ЎТДИ





(Давоми. Боши 1-бетда)

Масанори АИКЁ, Аичи Миллий университети президенти (Япония):

– 14-Тошкент сайлов округида ва бир нечта сайлов участкасида бўлиб, аҳолининг овоз бериш жараёнини кузатдим. Аҳоли сайловга жиддий ёндашаётгани менда яхши таассурот қолдирди. Сайлов очиқ-ошкора, демократик руҳда ўтди. Ўзбекистондаги бу қадар юксалиш диққатга сазовор.

Ҳуқуқшуносман. Тошкент давлат юридик университети билан яхши алоқалар йўлга қўйганмиз. Шу ўринда Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги муваффақиятларини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим. Мамлакатингиз ёшлари халқаро майдонда ўз салоҳиятини намойиш этмоқда. Япониядаги университетларда таълим олаётган ўзбек ёшлари кўп. Келгусида Ўзбекистон билан Япония алоқаларини янада кенгайтириш, хусусан, АКТ соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришдан умидвормиз.

Гао ЮЙШЭН, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг махсус элчиси:

– Мен бир қатор сайлов участкаларига бориб, эрта тонгданоқ одамларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистондаги сайловлар миллий қонунчилик ҳамда халқаро андозаларга тўла мос тарзда ўтди. Сайлов участкаларида барча тоифадаги сайловчилар, жумладан, алоҳида эҳтиёжли фуқаролар, болали аёллар, кексалар учун қулай шароит яратилгани эътиборга сазовор.

Доминик ТИЛЬМАНС, Бельгия Қироллигининг фахрий сенатори:

– Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда улкан ўзгаришлар, ҳайратланарли ривожланишнинг гувоҳи бўламан. Ўзбекистон сайлов тизими такомиллаштирилган. Очиқлик, тенглик ва холислик каби демократик талаблар таъминланган. Мен сайлов жараёнини бевосита кузатдим, демак, ушбу жараёнга тўғри ва холис баҳо бера оламан. Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалардан хабаримиз бор. Турли миллатлар, имконияти чекланган фуқаролар учун тенг қулайликлар яратилгани – бу демократиянинг ёрқин кўриниши. Сиёсат соҳасида 27 йиллик тажрибага эгаман. Бинобарин, сайлов тизимини яхши тушунаман ва шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори даражада ташкил этилган, деб ҳисоблайман.

Лесли ВИГЕРИ, АҚШ элчихонаси раҳбарининг ўринбосари:

– Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, инсонларнинг яхши кайфиятда овоз берганини кузатдим. Хорижий кузатувчиларнинг фаолият юритиши учун барча шароит яратилгани Ўзбекистонда сайлов халқаро нормаларга тўлиқ мувофиқ равишда, демократик принциплар асосида очиқ ва ошкора ўтганидан далолат беради.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир. Бундай мамлакатда тараққиёт бўлади. Одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Аҳолининг сайлов жараёнига қизиқиши, сиёсий билимдонлиги ва фаоллиги жуда баланд.

Вента КОЦЕРЕ, Латвия университети академик кутубхонаси директори:

– Ўзбекистонга ҳар гал келганимда бу ердаги оламшумул ўзгаришлар ҳавас уйғотади. Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда аждодлар меросини асраб-авайлаш борасида амалга оширилган ишлар салмоғини кўриб ҳайратга тушмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда Тошкент шаҳридаги Инҳа университетидаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб, Ўзбекистон халқи наинки ўтмишга ҳурмат, балки келажакка ҳам юксак ишонч билан қарашига амин бўлдим. Юқори ташкилий тайёргарлик, сайловчилар фаоллиги ҳамда мазкур жараён иштирокчиларининг ҳамжиҳатлиги сайловнинг муваффақиятли ўтишини таъминлади, деб ўйлайман.

Овоз бериш жараёнида нафақат сайловчилар, балки уларнинг фарзандларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов участкаларидаги она ва бола, тиббиёт хоналари, айтиш жоизки, сайлов тизимида нодир амалиётдир.

Жамшед ЖАМШЕДОВ, Тожикистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

– Жиззах шаҳридаги 5-сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатдим. Сайлов миллий қонунчилик ва халқаро демократик тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтди. Сайловчилар ўзлари танлаган номзодга эмин-эркин овоз берди. Сайловчилар билан суҳбатлашдик. Ҳар бир сайловчи ўз фикрига эга. Сайловчиларнинг фаоллиги Ўзбекистон халқининг ўз Ватани тақдирига, келажагига бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Ким ЁН ХИ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси бош котиби:

– Сайловнинг юқори демократик талаблар асосида ўтиши учун очиқлик, ошкоралик, адолатлилик талаб этилади. Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик жараёнида ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, юқори даражада тайёргарлик кўрилган.

Буни сайловгача бўлган жараёнда кузатган бўлсак, сайлов участкаларида халқаро стандартлар даражасидаги шарт-шароитга гувоҳ бўлдик.

Аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ижтимоий ҳимоясига эҳтиёжи бўлган ёши улуғ инсонлар, ёшлар, ёш болали аёллар, ногиронларга алоҳида эътибор берилгани бизни мамнун этди.

Она ва бола хонасида турли ёшдаги болалар учун шароитлар яратилгани, ўйинчоқлар, китоблар ва бошқалар билан таъминланган эътиборга лойиқ. Тиббиёт хонасида ҳам барча шарт-шароит мавжуд. Ногиронлар овоз бериши учун алоҳида сайлов кабинаси уларнинг ишини енгиллаштирди.

Ўзбекистон халқи сайловда ўзи муносиб, деб билган номзодни танлайди. Сайлов натижалари Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётига хизмат қилишига ишонамиз.

Муртазо САФФОРИ, Эрон парламенти депутати:

– Ўзбекистонда Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан шундай мустаҳкам пойдевор барпо этилдики, бу мамлакатнинг хотиржам ҳаёт кечириши, тараққий этиши, бугунгидек тадбирларни юқори савияда ўтказишига кенг шароит яратмоқда.

Очиқлик, транспарентлик – бу сайлов ўтказишнинг энг муҳим тамойилларидан. Ўнга яқин сайлов участкасида бўлиб, уларнинг барчасида бу омиллар мавжудлигини кўрдик.

Ўзбекистонга саккиз йил олдин келгандим. Жуда катта ўзгаришлар, янгиланиш ва ривожланиш рўй берганига гувоҳ бўлдим. Ишончим комилки, бундан кейин ҳам шундай ривожланиш давом этаверади, бебаҳо неъмат – тинчлик ва осойишталик барқарор бўлади.

Нина ЛИНДЕ, Латвия фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори, профессор:

– Ҳар бир участкада жуда катта ва пухта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдик. Сайловларга одамлар эркин келиб, хоҳиш-иродасини билдириб, овоз берди. Халқнинг кайфияти баланд, байрам муҳити ҳукмрон бўлди. Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан изчил тараққий этаётгани, халқ фаровон яшаётгани боис ҳам мана шундай ижобий манзара кўзга ташланди. Зеро, ўтган 25 йилда Ўзбекистонда бу йўлда жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Элдар ИБРАГИМОВ, Озарбайжон Миллий мажлиси комиссияси раиси:

– Ўзбекистонда демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилган. Бу Президент сайловини ана шундай асосда, юқори даражада ўтказишга имкон берди.

Бешта сайлов участкасида бўлдим ва уларнинг барчасида овоз бериш қонунларга мувофиқ ўтди. Фуқаролар сайловда жуда фаол қатнашди. Буни бошқа давлатлар билан солиштирганда катта фарқни кўриш мумкин. Халқингизга хос бўлган юксак ватанпарварликни бошқа жойларда учратиш қийин.

Валериус СИМУЛИК, Литва Сеймининг Ўзбекистон билан парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳ раҳбари:

– Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланган. Нафақат бугунги кунга, балки келажакка ҳам салмоқли инвестициялар киритилмоқда. Ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг илм олиши, спорт билан шуғулланиши, тадбиркорлик қилиши учун имтиёзлар давлат томонидан таъминланмоқда. Бу ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Давлат халқ ишончини қозонаётгани учун ҳам аҳолининг сайловга бўлган муносабати ижобий ва улар бу жараёнда фаол иштирок этди. Сайловга тайёргарлик ҳам шунга муносиб. Ҳаммаси юксак даражада. Кўзи ожиз кишилар учун брайль алифбосидаги бюллетенлар чиқарилганини бошқа бирор давлатда учратмаганман.

Абдураҳмон АЛ-ХАМИСИ, Миср Араб Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

– Ўзбекистон дунёда энг тез ривожланаётган, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга давлат ҳисобланади. Бунга буюк Йўлбошчи Ислом Каримов асос солган миллий модель самарасида эришилди. Бугун халқ танлайдиган номзод, бўлажак Президент зиммасида ана шу бошланган ишларни муносиб давом эттиришдек масъулият бор.

Буни халқ ҳам англаб, сайловга шу нуқтаи назардан ёндашиб, унда фаол иштирок этди. Бу жараёнда барчаси тартибли ўтгани, бунинг учун барча имкониятлар таъминлангани эътиборга лойиқ.

Мохд Юсуф бин Ҳожи ОСМАН, Ислом тараққиёти институти директори (Малайзия):

– Ўзбекистонда фуқароларнинг яширин, тўғридан-тўғри овоз бериши менга жуда маъқул бўлди. Бу ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришига, давлат ва жамият ишларини бошқаришда шахсан иштирок этишига имкон беради. Буларни амалда кўриб, сайловга оид тажрибангизнинг кўплаб ижобий жиҳатларини ўрганишга муяссар бўлдим.

Ўзбекистоннинг юқори демократик талаблар асосида ривожланишида буюк алломаларингиз қолдирган бой илмий меросининг ўрни катта, деб ўйлайман.

Майкл БРОДИ, АҚШ университети профессори:

– Сайлов ҳаққоний ўтганига ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлдик. Фуқаролар юқори даражада шарт-шароит билан таъминланган, уларнинг эркинлиги ва ўзига ишончи ҳар қандай одамни қувонтиради. Бу – ҳақиқий демократик жараён. Сайлов Ўзбекистоннинг келгусида янада тараққий этишига йўл очишига ишонамиз.

Ли ЧЖУНЦИН, Хитой халқаро радиоси мухбири:

– Сайловга тайёргарликнинг барча жараёнларини кузатиб, улар ҳақида ахборот тайёрлаб бормоқдамиз. Оммавий ахборот воситалари учун барча шарт-шароит муҳайё этиб қўйилганидан мамнунмиз. Бу сайловнинг очиқлик ва ошкоралик тамойилларига мос ўтганининг яққол ифодасидир.

Кўплаб участкаларда бўлиб, аҳолининг юқори даражада фаоллигини кузатдик. Ота-оналарга ҳамроҳлик қилиб келган болакайларнинг хурсандчилиги, биринчи марта овоз берган ёшлар кўзидаги қувонч сайловга байрамона руҳ бағишлади. Сайлов участкаларидаги юқори даражадаги тайёргарлик ва яратилган шарт-шароит таҳсинга сазовор.

Тамара ГУЗЕНКОВА, Россия стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари, профессор:

– "Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар тажрибаси" мавзуидаги конференцияда халқаро кузатувчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилигидаги очиқлик ва оммавий ахборот воситалари фаолияти билан танишди. Бир неча сайлов участкаларидаги жараённи кузатиб, Ўзбекистон фуқароларининг сайловга ихтиёрий, айни чоғда масъулият билан муносабатда бўлганидан қувондим.

Жим МОРАНН, конгрессмен (АҚШ):

– Тўрттала номзоднинг ҳам дастури билан танишдим. Ҳар бир дастурда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигига эътибор қаратилган. Сайлов жараёнларида ёшлар жуда фаол. Мен кўзлари чақнаб турган Ўзбекистон ёшларини кўриб, мамлакат келажаги ҳам шундай порлоқ бўлишига ишондим.

Хан ДАЧУАН, Хитой ижтимоий фанлар академияси бош котиби ўринбосари:

– Бухоро ва Тошкентдаги сайлов участкаларида яратилган шароитлар менда катта таассурот қолдирди. Президент сайловининг кўтаринки руҳда ўтгани эътиборимни тортди. Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари тенг, адолатли олиб борилган. Сайловчилар ва номзодларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ таъминланган. Сайловнинг муваффақиятли якунланиб, мамлакат ўзи танлаган йўл – "ўзбек модели" асосида бундан ҳам улкан марраларга эришишига ишонамиз.

Дитер БРАНДЕНБУРГЕР, Германия – Ўзбекистон дўстлик жамияти вице-президенти:

– Аҳолининг аксарияти сайловнинг муҳимлигини ҳамда овоз беришда қатнашиш зарурлигини теран ҳис этаётгани уларнинг эрта тонгдан бу жараёнда фаол иштирок этишидан маълум бўлди. Ҳар бир фуқаро миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани жуда эътиборлидир. Бу мамлакатингизда инсон ҳуқуқлари таъминланганидан, ижтимоий тенглик қарор топганидан далолат беради.

Алиҳайдар РЗАЕВ, "Авиамост" журнали муҳаррири (БАА):

– Кўзи ожиз фуқароларга брайль алифбосида сайлов мавзуида рисолалар ва махсус бюллетенлар чоп этилгани, ногиронларга овоз бериш учун кабиналар тайёрлангани таҳсинга лойиқ. Инсонлар оиласи билан байрамона кайфиятда сайловга келди. Улар ўзи ва фарзандлари келажагини танлаётганини жуда яхши билади.

Журналистлар учун яхши имкониятлар яратилган. Ўзбекистон матбуотида эркин фаолият юритилишининг гувоҳи бўлдим. Пресс-клубда ҳамкасбларимиз билан мулоқот қилдик. Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган сайлов участкасида фаолият юритаётган ходимлар билан ҳам боғланиб турибман. Улар сайлов очиқ ва ошкора ўтганини маълум қилди. Ўзбекистонга юртимда фаолият юритаётган бир қатор оммавий ахборот воситалари вакиллари келган.

Мухарбек ДИДИГОВ, Россия Федерацияси Федерация кенгашининг мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси ўринбосари:

– Ўзбекистон халқи Президент сайловига нафақат мамлакат ҳаёти, балки ўзи ва оиласининг эртанги тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга катта сиёсий жараён сифатида ёндашаётгани, аввало, кафолатли ва барқарор ҳаёт учун овоз бераётгани таҳсинга лойиқ. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёни билан бевосита танишиб, бунда аҳолининг барча қатлами учун тенг ва кенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

Сайлов мамлакатингиз қонунлари, халқаро демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошкоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш институти президенти (Германия):

– Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида мамлакатингиз барча соҳаларда юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатингизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида аввало инсон манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдек олижаноб мақсадлар кўзланган.

Пойтахтингиздаги 409, 213, 348-сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёни билан танишдим. Сайловчилар эрта тонгдан сайлов участкаларига келиб, ўз номзодига овоз берди. Уларнинг кайфияти баланд, сайлаётган номзодига ишончи мустаҳкам.

Мазкур сайлов Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилиши шубҳасиз. Одамларда мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси ортгани яққол кўзга ташланди. Бу мамлакатингизда демократик ислоҳотлар амалий натижалар бераётганининг ифодасидир.

Аҳмед Нуби МУСА, Миср Араб Республикаси ахборотлаштириш ишлари вазири ўринбосари:

– Сайловда тўртта партиядан номзод тенг шароитларда рақобатлашгани Ўзбекистонда демократик андозалар даражасидаги профессионал сайлов тизими яратилганидан далолатдир.

Сайловни биз билан келган бир гуруҳ журналистлар ҳам кузатди. Матбуот анжуманларидан, жойлардан тезкор репортажлар бериб борди. Бу ҳам сайловнинг адолатлилиги, очиқ-ошкоралигининг исботи.

Ли Жи ЁН, Хангук хорижий тиллар университетининг Марказий Осиё кафедраси мудири (Корея Республикаси):

– Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мамлакатнинг мустақил ривожланиш йўлини белгилаб берди. Бугун халқингиз бу йўлда юксак марраларни қўлга киритаётир.

Сайловда ёшлар фаол иштирок этгани таҳсинга сазовор. Улар учун яратилаётган имкониятлар, қурилаётган замонавий маданият ва санъат масканлари, институт ва университетлар ёш авлоднинг келажаги, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун ўнлаб давлат ва қатор халқаро ташкилотлар вакиллари келган. Улар ушбу сайлов қандай ўтганини ўз мамлакати ва бутун дунёга ёяди. Бу тадбир натижалари Ўзбекистон учун, халқингиз учун хайрли бўлишини, мамлакатингиз янада улкан муваффақиятларни қўлга киритишини тилайман.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 24 йил" деб номланган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралар ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

● Фарғонада "Энг фаол соғлом турмуш тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда иштирокчилар олти йўналиш бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи энг яхши видеоролик ва аудио маҳсулот, энг яхши фотосурат, амалий санъат намуналари ва интернет сайтлари ҳакамлар томонидан баҳоланди.

● Қаршида глобал иқлим ўзгариши мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Навоийда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш, бу борадаги тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Бухоро шаҳридаги 1-оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Кунига 250 қатновга мўлжалланган поликлиникада беморлар ва шифокорлар учун барча қулайлик яратилган. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган жарроҳлик, лаборатория, муолажа, эмлаш хоналари, 10 ўринли кундузги даволаш бўлими хизматидан аҳоли мамнун.

● Гулистонда ўтказилган "Гимнастика барча учун" спорт фестивалида уй бекалари ҳамда 10 ёшгача бўлган қизлар иштирок этди. Фестивалда 11 жамоа иштирокчилари тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қобилияти бўйича баҳоланди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон жанубидаги Камуди шаҳрида қуёш энергияси ёрдамида электр қувватини ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг катта қуёш электростанцияси ишга тушди. Янги электростанциянинг қуввати 648 мегаваттни ташкил этиб, 10 квадрат километр майдонни ўз ичига олади. Тўлиқ қувват билан ишлаганда 150 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Айтиш керакки, Ҳиндистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш ўсиб бормоқда. Кеҳаси йилда Ҳиндистоннинг қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича жаҳонда Хитой ва АҚШдан кейин учинчи ўринга чиқиши кутилмоқда.

● Нидерландиянинг Амстердам шаҳридан 70 километр узоқликдаги Бильдингхёйзен посёлкасидаги ўрдак фермасида парранда гриппи аниқланганлиги боис эпидемия тарқалишининг олдини олиш мақсадида у ва унга яқин жойлашган олтита паррандачилик фермасида 200 минг-та хонаки ўрдак йўқ қилинди. Шунингдек, 10 километр радиусдаги ҳудудда парранда, унинг тухуми ва гўштини олиб чиқиш қатъий тақиқланган.

● Арктика тадқиқотчиларининг фикрига кўра, оролларнинг йўқолиб бориши ва қирғоқларнинг емирилиши Ер куррасининг глобал исиб бораётганидан далолат беради. Олимларнинг маълумотларига қараганда, айниқса тупроқнинг тезроқ емирилиб бориши Шарқий Сибирь денгизи ва Лаптевлар денгизи қирғоқларида рўй бермоқда.

Сайлов – 2016

АҲИЛ-ИНОҚЛИГИМИЗ, ТОТУВЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН

Бош қомусимизнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши қайд этилган.

Кўпмиллатли халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти юксаклиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам яққол намоён бўлди. Сайловда мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари фаол қатнашди.

– Мамлакатимизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилаётганлигини ҳамжиҳатликда, фаолликда ва бирдамликда ўтаётган ҳар бир маросим ва сиёсий тадбирда яққол кўриш мумкин, – дейди Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев. – Ҳозирги кунда мамлакатимизда 137 миллий маданият маркази самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилган бағрикенглик, инсонийлик, меҳр-оқибат ғояларини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланганлигининг самарасидир.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги Тузел маҳалласи кўпмиллатли масканлардан бири. Бу ерда ташкил этилган 408-сайлов участкасида сайлов уюшқоқлик билан ўтди.

– Ўзбекистон ҳаммамизга паноҳ бўлган, ризқ-рўз берган юрт. Уни обод қилиш, ҳар томонлама ривожлантириш бурчимиз, – дейди Дунган маданият маркази раиси Манэ Савуров. – Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўрт мингга яқин дунган фаровон ҳаёт кечирмоқда. Мен ҳам сайловда иштирок этиб, фарзандларимизнинг камолоти, эртанги ёруғ келажагимиз ва фаровонлигимиз учун овоз бердим.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиб, фуқаролик бурчимни бажардим, – дейди ЎзА мухбирига корейс миллати вакили Зоя Ким. – Биз кекса авлод вакиллари давлатимизнинг ғамхўрлигини ҳар доим ҳис этиб турамиз. Кўпмиллатли халқимиз катта оилада яшамоқда. Тотувлигимиз бардавом бўлаверсин.

Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик жараёнида турли миллат вакилларининг сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишишига алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тожик тилидаги “Овози тожик”, “Овози Самарқанд”, қозоқ тилидаги “Нурли жол” газеталари нашр майдонидан бепул ва тенг фойдаланди. Умуман олганда, сайлов жараёни ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларида 17 тилда чоп этилди.

– Меҳр-оқибатлилик, самимийлик, мардлик, олийжаноблик сингари фазилатларга эга ўзбек халқи билан ҳамнафас, бирдамликда яшаётганимиздан фахрланаман, – дейди турк миллати вакили Мусаниф Фазлиев. – Ўзбекистонимизда барчага бирдек яратилган қулай шароитлардан мамнунмиз. Умумий уйимиз бўлган Ўзбекистонда фаровон ҳаёт кечириб, ёшларимизнинг қалбида Ватанга муҳаббат, бағрикенглик, шукроналик, бунёдкорлик ғояларини шакллантиришга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Сайловда ана шу эзгу ниятлар ижобати бардавом бўлиши учун овоз бердик.

Гўзал САТТОРОВА

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт” деган ғояси ягона умуммиллий мақсадга айланди. Бугун бу улуғ ишлар катта ғайрат-шижоат билан изчил давом эттирилаётгани учун ҳам ёшларимиз мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларда фаол қатнашмоқда.

Бу жиҳатлар, бугун эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий имтиҳон – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида яна бир бор ўз исботини топди: сайлов кунигача 18 ёшга тўлган 555 мингдан зиёд ёшларимиз Конституциямизда белгиланган сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, илк маротаба овоз берди.

Турли соҳалардаги ютуқлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган айрим ўғил-қизларнинг таассуротлари билан қизиқдик.

Бухоро давлат университети талабаси, бадиий гимнастика бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гулноза Алиева ҳам минглаб тенгқурлари қатори сайловда қатнашди.

– Мустақиллик берган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари бугун барча соҳада бўлгани каби спортда ҳам катта ютуқларга эришиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда, – дейди Г.Алиева. – Бухоро шаҳридаги 13-сайлов участкасида эл-юртимиз манфаати йўлида курашадиган, энг муҳими, ёшларга ғамхўрлик қилиб, ҳамиша бизни қўллаб-қувватлайдиган инсон – ўзим муносиб топган номзодга овоз бердим. Менинг танловим ҳам мамлакатимиз ва халқимизнинг эртанги тақдирини белгилашга хизмат қилиши менинг ҳаётда ва жамиятда муносиб ўрин топишимда катта роль ўйнайди.

– Ушбу сайлов менинг ҳаётимда катта аҳамиятга эга бўлгани учун унга алоҳида тайёргарлик кўрдим: Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдим, вилоятларда ўтган учрашувларни кузатдим. Асака туманидаги 219-сайлов участкасида овоз бердим, – дейди ЎзА мухбирига Андижон давлат университети талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Севара Фозилжонова. – Сайлов бюллетенида ўзим танлаган номзодни белгилар эканман, менинг овозим мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг яна ҳам юксалишида аҳамиятли эканини ўйлаб, ич-ичимдан фахрландим.

Бу йил Қашқадарё вилояти Яккабоғ озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Аҳрор Низомов учун ниҳоятда омадли бўлди: Беларусда фортепьяно бўйича ўтказилган халқаро танловда 2-ўринни олди, Россия ва Хитойдаги халқаро фестивалларда ғолиб чиқди.



МЕНИНГ ОВОЗИМ – МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 555 мингдан зиёд ёш биринчи марта овоз берди.

– Яккабоғ туманидаги 673-сайлов участкаси эрта тонгдан гавжум бўлди. Улар орасида ёшлар ҳам кўплигини кўриб, тенгдошларим бу сиёсий жараёнда фаол қатнашганидан хурсанд бўлдим, ўзаро суҳбатларда номзодларнинг сайловолди дастурлари, эл-юртимизнинг эртанги тақдири айнан бугун танланадиган номзодга боғлиқ экани ҳақида гап бораркан, янада руҳланиб кетдим, – дейди А.Низомов. – Сайловда қатнашарканман, менинг овозим мамлакатимиз келажаги тақдирида акс этишини юракдан ҳис этдим, ёруғ истиқболимиз учун овоз бердим.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Бобур Болтаев 2014 йили Москвада ўтказилган 48-Менделеев олимпиадаси, 2014 йил Вьетнамда ва 2015 йил Озарбайжонда кимё фанидан ўтказилган жаҳон олимпиадаларида бронза медали соҳиби бўлган. Бобур Қибрай туманидаги 358-сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк маротаба овоз берди.

– Миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан батафсил танишдим, улар илгари сураётган дастурий вазифаларни ўргандим, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Менинг овозим – Ватаним келажаги” мавзуидаги онлайн мулоқотида қатнашдим, – дейди Б.Болтаев. – Бундан ташқари, матбуот, телевидение ва интернет орқали сайлов жараёнига боғлиқ янгиликларни мунтазам кузатиб боришга ҳаракат қилдим ва ўзим муносиб топган номзодга овоз бердим.

– Мамлакатимизда ёшларга яратилган шарт-шароитлар самарасида “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивали, “Юрт келажаги” танловининг мамлакат босқичларида, енгил атлетика, шахмат-шашка бўйича Қорақалпоғистонда ўтган мусобақаларда ғолиб бўлдим, уч китобим нашрдан чиқди, – дейди Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Айжамал Караматдинова. – Кегейли туманидаги 194-сайлов участкасига кириб борарканман, “агар мустақиллик бўлмаганида, ёшларнинг ўз истеъдод ва интилишларини рўёбга чиқариши учун шундай кенг имконият шароитлар бўлмаганида, мендек бир оддий қишлоқ қизи орзу-мақсадларимга эриша олармидим?”, деб ўйладим. Ўзбекистон Президенти сайловида бу тинч-тўкин ва фаровон кунлар янада зиёда, ёшларимизнинг бахт-иқболи ва келажаги яна ҳам буюк бўлиши учун овоз бердим.

– “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Менинг овозим – Ватаним келажаги” акциясида фаол қатнашганим учун фахрий ёрлиқ билан тақдирландим, – дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Дилшода Турсунова. – Самарқанд шаҳридаги 909-сайлов участкасида ўзим муносиб деб билган номзодни сайларканман, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаган буюк ислоҳотларни изчил давом эттирадиган янги давлат раҳбарини танлашда менинг овозим ҳам аҳамиятга эга эканини ўйлаб, ғурурландим: менинг овозим – менинг Президентим!

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий онги-дунёқараши тобора юксалиб бораётганини яна бир бор исботлади.

Умид ЁҚУБОВ

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча талабга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армия барпо этилгани мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тинчлигимиз ва осойишталигимиз посбонлари ҳам фаол иштирок этди.

Тошкент шаҳридаги 153-участка сайлов комиссияси раиси, подполковник Ҳасан Халиловнинг таъкидлашича, сайлов участкасида мингга яқин оддий аскарлар, курсантлар, сержантлар, офицерлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилардан иборат сайловчилар овоз бериш жараёнида қатнашди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Умиджон Раҳмонов ушбу сайлов участкасида биринчилардан бўлиб овоз берди.

– Давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигига жавобан салоҳиятли офицер бўлиш, Ватанимиз ва халқимиз тинчлигини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш – биз учун улкан шараф, – дейди Умиджон. – Президентликка номзодларнинг дастурлари билан чуқур танишиб чиқиб, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, осойишталигимизни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшувчи номзодга овоз бердим.

– Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, – дейди кичик сержант Жамол Худойқулов. – Ҳарбий қисм ва муассасаларда хизматни ўташ ва яшаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Ўз конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муносиб ҳисса қўшадиган номзодга овоз бердим.

